Биография

Самихон Аширбоев



Самихон Аширбоев 1946 йил 18 апрелда Қозоғистон Республикаси Чимкент вилояти Туркистон тумани Кориз қишлоғида таваллуд топди. 1953 йилда Туркистон шаҳридаги Тошкент темир йўлига қарашли 42-мактабнинг 1-синфига борди. 1960-1964 йиллар давомида Туркистон педагогика билим юртида таҳсил олди. Билим юртини аъло баҳоларга битириб, 1964 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти тарих-филология факультетининг ўзбек тили ва адабиёти бўлимига ўқишга кирди. Иқтидорли талаба бўлганлиги ва институтни имтиёзли диплом билан битирганлиги туфайли 1968 йилда педагогика институти (ҳозирги университет)нинг умумий тилшунослик кафедраси ўқитувчиси қилиб олиб қолинди.

Етук олим, серқирра ижодкор ўзининг илмий-педагогик фаолияти давомида қуйидаги йўналишларда ижод этди: 1. Ўзбек тилшунослиги тарихи; 2. Ўзбек тилининг диахрон йўналишдаги (тарихий синтаксис) тадқиқот ишлари; 3. Ўзбек тили тарихи ва диалектологияси бўйича дарслик ва методик қўлланмалар яратиш. 4. Мактаблар учун “Ўзбек тили” дарсликларини яратиш; 5. Илмий-педагогик ишларни ташкил қилиш ва олиб бориш; 6. Ноширлик ишлари; 7. Илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик.

Биография



С.Аширбоев ўзбек тилшунослигидаги ташаббускор олимдир. У биринчилардан бўлиб ўзбек тилшунослиги тарихини тадқиқот объекти қилиб олган. Устози, профессор Саидзода Усмонов раҳбарлигида “Ўзбек тили грамматик қурилишининг ўрганилиш тарихидан (1875-1917 йиллардаги рус туркологлари асарлари асосида)” мавзуидаги номзодлик диссертациясини ёзди ва уни 1975 йил 16 апрелда Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти қошидаги Илмий кенгашда муваффақиятли ҳимоя қилди. У Алишер Навоий асарлари синтаксисини ўрганишда бағишлади. Бунинг натижаси ўлароқ 1990 йилда “Алишер Навоийнинг насрий асарларидаги содда гапларнинг таркибий ва маъно хусусиятлари” мавзуидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Семантик ва диахрон планда ёритилган мазкур тадқиқот иши кўпчилик тилшунос олимлар томонидан юксак баҳоланди.

С.Аширбоев тарихий манбалар тили тадқиқи бўйича бир неча илмий нашрлар муаллифи. У 1989 йилда “Алишер Навоийнинг насрий асарларидаги мураккаблашган содда гапларнинг таркибий ва маъно хусусиятлари”, 1993 йилда “Алишер Навоийнинг насрий асарларида мураккаблашган содда гаплар” монографияларини эълон қилди.

Биография



Олимнинг илмий-педагогик фаолияти Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти билан боғлиқ. У ўзининг педагоглик фаолиятини кафедра ўқитувчиси лавозимидан бошлаган бўлса, кейинчалик профессор, кафедра мудири, факультет декани ўринбосари, декани ва кейинги 15 йил давомида университет проректори лавозимларида ишлади.

Самихон Аширбоев мазкур даргоҳнинг ўзбек тили ва адабиёти факультетти талабаларига “Қадимги туркий тил”, “Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси”, “Ўзбек адабий тили тарихи”, “Ўзбек диалектологияси”, ўзбек тили мутахассислиги магистрантларига эса “Туркий тилларнинг қиёсий-тарихий грамматикаси” фанларидан дарс берди. У 1992 йилдан бошлаб мазкур фанларнинг ўқув дастурларини яратди. С.Аширбоевнинг 1996 йилдан кейинги фаолияти олий педагогик таълим мазмунини стандартлаштириш билан ҳам боғлиқ.

Самихон Аширбоев – сермаҳсул олим. Унинг бевосита илмий раҳбарлигида 10 га яқин шогирди номзодлик ҳамда докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган. У ҳаётда ҳам, илмда ҳам бардам, ижодда эса сермаҳсул олим.

Асарлари:

1988 Алишер Навоий прозаси – синтактик тадқиқот объекти. Рисола

1989 Алишер Навоийнинг насрий асарларидаги мураккаблашган содда гапларнинг таркибий ва маъно хусусиятлари. Монография

1993 Алишер Навоийнинг насрий асарларида мураккаблашган содда гаплар. Монография.

1997 Қутбнинг “Хусрав ва Ширин” достони. Рисола
Ўзбек адабий тили. Рисола.

Copyright © 2022
All Rights Reserved.